

ЁШ ОИЛАЛАРДА АЖРАЛИШ ВА УЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК ТАХЛИЛИ

Yuldasheva Dilshoda Hoshimovna

QDPI o'qituvchisi Muqimiy nomidagi Qo'qon Davlat pedagogika instituti
Geografiya va iqtisodiy bilim asoslari kafedrasи o'qituvchisi
bk. ru :yuidasheva dilshoda @ bk. ru. +998 97 555 5810

Аннотация

Ушбу мақолада ёш оилаларда ажралиш ва уларнинг географик тахлили борасида, аввало Республикализнинг Фаргона вилоятининг шаҳарлар кесимида ажралиш ва унинг кўрсаткичлари тўғрисида фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Таянч сўзлар: Оила, тўла оила, тугалмас оила, никоҳ, ажралиш, демографик таркиб, урбанизация, қишлоқ, шаҳар

Аннотация:

В данной статье, касающейся разводов в молодых семьях и их географического анализа, в первую очередь представлены мнения и комментарии о разводах и их показателях в городской части Ферганской области нашей Республики.

Ключевые слова: Семья, полная семья, неполная семья, брак, развод, демографический состав, урбанизация, село, город.

Annotation:

In this article, concerning divorces in young families and their geographical analysis, first of all, opinions and comments on divorces and their rates in the urban part of the Fergana region of our Republic are presented.

Keywords: Family, complete family, incomplete family, marriage, divorce, demographic, composition, urbanization, village, city.

Мамлакатимизда кўп йиллар давомида оилаларни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш, уларни хар томонлама жамиятнинг асосий бўгини сифатида барқарорлигини таъминлаш жамиятимизнинг устивор йўналишларидан бири саналган. Бинобарин, халқ муаййан оилаларда

ташкил топар экан, унинг барқарорлигини, оиласарнинг тинч-тотувлиги мамлакатнинг ривожи ва истиқболини белгиловчи асосий омил хисобланади. Ҳозирда Ўзбекистонда оиласар барқарорлигини таъминлаш, оиласарда ажралишлар сонини камайтириш, оиласи сақлаб қолиш имконини берадигон кўплаб ташкилий-хуқуқий, ижтимоий-сиёсий чоралар белгиланган.

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат мухитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур. Аёллар ўртасида жиноятчилик, оиласарда ажралишлар кўпайгани, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиши каби халқимизга хос бўлмаган аччиқ ва ноҳуш масалалар билан боғлиқ”.

Оила таркибиға ҳамда ривожланишига таъсир этувчи омилларидан бири-никоҳнинг бекор этилиши яъни ажралишдир. Маълумки оилада эр хотиннинг ажралиш никоҳнинг бекор этилиши биринчи навбатда оиласнинг демографик таркибиға таъсир кўрсатади.([1]) Оила тўла оиладан, тугалмас оиласа айланади. Оилада фарзандлар туғилиши маълум даражада камаяди. Бу эса, ўз навбатида оиласнинг давом этирувчи авлод яратилишига, оиласнинг демографик ривожланишига яъни аҳоли такрор барпо бўлишига таъсир этади Ажралиш жараёнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу хусусиятларидан бири унинг қишлоқ ва шаҳар аҳолисида кескин фарқ қилишидир. Кўпгина статистик маълумотларда ёш оиласар ўртасида ажралишлар сонининг ўсиб бориш динамикасини кўрсатади ва бу ҳолат айниқса, йирик шаҳарларда юқори эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. ([2]) Шаҳар аҳолисида оиласарнинг бузилиш ҳолатлари қишлоқ аҳолисига қараганда 4-5 баробар юқори бўлиб бундай фарқ республиканинг барча вилоятларида кузатилади. Биз буни Фарғона вилоятида мисолида кўриб чиқамиз.

Нигоҳдан ажралишлар сони

(йилларда; бирликда) 1-жадвал.

(2019-2020 йй.)

<i>№</i>	<i>Худудлар</i>	<i>2019</i>	<i>2020</i>	<i>2021</i>
	<i>Фарғона вилояти</i>	3192	2842	4285
<i>1</i>	Фарғона шаҳри	459	394	618
<i>2</i>	Қўқон шаҳри	352	331	447
<i>3</i>	Кувасой шаҳри	104	80	119
<i>4</i>	Марғилон шаҳри	203	156	317

Манба: Farg`ona statistika маълумотлари.

Юқорида жадвал маълумотлари Фарғона вилоятининг шаҳарларида ажралиш кўрсаткичларини йилдан йилга бир-биридан фарқ қиласди. Оҳирги уч йилликда энг кўп ажралиш кўрсаткичи 2021 йилда Фарғона шаҳрига тўғри келган бўлса, энг пасти, 2020 йил Қувасой шаҳрига тўғри келган

Шаҳар аҳолисида ажралиш кўрсаткичини оширадигон омиллардан бири, бу урбанизация ва меҳнатга лайоқатли аҳолининг ҳаракатчанлигининг ошиши ва аҳоли таркибида бошқа миллатларнинг юқорилиги хам ўз таъсирини кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бўриева М.Р. Демография асослари. Тошкент 2000.
- 2 . Ҳолматова М,Муродова Н, Ёшли оиласидаги хаёт бусагасида .Тошкент 2000.